

ОШТАНТИСТОН  
ҚИТАЙ ИҚТИСАДИ  
ИНВ.М

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2002 йил 25 декабрь, №279 (3107)

Чоршанба

Янги йил остонасида

## Яшна, арча, арчажон!

Хар гал шундай: йил охирлаб борган сайин фусункор арчага кўзимиз тушганда дилимизда янги умидлар туғилади.

Хар байрамнинг ўз таровати бўлгандай, Янги йил ҳам кўркам арчаси, ширинликларга тўла қоти бор Қорбобоси, ёқимтой Қорқизи билан гўзал. Жажжи болажонлар бу байрамга алоҳида тайёрланишди. Бир-бирдан гўзал шеърлар ёллашди. Энди ростини айтиб қўйсак, биз катталарнинг ҳам кувончимиз уларникидан кам бўлмайди-да. Узимиз ҳам болаларимизга қувона-қувона совға тортиқ қиламиз. Шундай шукҳули кунлар остонасида пойтахтимизнинг Бош майдони ҳам ўзгача қиёфа касб этмоқда. Бу хайрли тадбир арафасида «Тошшаҳарнур» бирлашмаси 26 метр баландликдаги арчани безаяпти. Ундаги ўйинчоқлару турфа хил ёриткичларнинг санаб адоғига етолмайси.

Ҳа, бугун тадбир кўрилмоқда. Эртага эса шу маҳабатли арча бутун юртга ўз тароватини кўз-кўз қилади. Кимдир унинг теваганида кўшиқ айтиб, рақса ташлади. Кимдир телеэкран орқали завқланиб кузатади. Кексаларимиз набираларига кўй иши келгани, унинг кут-барак рами экинлиги ҳақида тушуниришади. Янги йил арчаси ана шуниси билан улғурди.

Нўмонжон  
МУҲАММАДЖОНОВ олган  
суратлар.



Сирларё вилояти ҳокимлигида кенгайтирилган кенгаш бўлиб ўтди. Унда қишки экинларга ишлов бериш, қузи шудгор қилиш, даладар ва техникани қўқламги экин мавсумига тайёрлаш масалалари кўриб чиқилди.

Кенгашда республика агро-саноат мажмуининг қатор вазирилари ва идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, вилоят муассасалари, корхона ва бирлашмалар, ширкат ҳўжаликлари раҳбарлари, фермерлар иштирок этди.

Кенгашнинг Сирларё вилояти ҳокими Р.Ҳайдаров бошқарди. Кенгаш қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С.Бегалиевнинг жорий йил декабри давомида вилоят агро-саноат тармоғидаги ишларни ўрганган республика комиссияси материалла-

## Камчиликлар таҳлил қилинди, вазифалар белгиланди

ри асосида махусе тайёрланган ахборотидан бошланди. Утган йили Сирларё вилояти гадалкорлари давлатга дон сотиш шартнома-режасини муваффақиятли ушладди. Бироқ вилоят пахтачилик тармоғи ҳар қанониндан оғир аҳолига тушиб қолди. Пахта тайёрлаш давлат буюртмасининг фақат ярми бажарилди. Пахтачиликдаги қўққоқлик боис кўпгина туманларнинг қарзлари кўпайди. Мутахассисларнинг фикрича, пахтачиликдаги муваффа-

қиятсизликнинг асосий сабаби фақат табиат инжиқликлари билан боғлиқ эмас — бутун республикада шундай об-ҳаво кузатилади. Аввало, агротехника тадбирлари ўтказилиши бича босқичларида камчиликларга йўл қўйилган. Катта майдонларда ер шўри умуман ювилмаган. Даладар экин мавсумига яхши тайёрланмаган. Мажвуд имкониятлар сувориб юборилган. Бўзай жойларда ўтган йилнинг хатолари жорий тайёргар-

бўлиб ўтган вилоят халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида белгиланган тақдиф ва кўрсатмалар асосида кўп иш қилинаптир. Бир қанча соҳа ва тармоқларда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Одамларда ишчанлик кайфияти усту. Энг муҳими, вилоят меҳнатқашлари йўл қўйилган камчилик ва хатолардан тўғри хулоса чиқаргани кўриниб турибди. Бу эса умид ва ишонч уйғотади.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири Н.Осупов иштирок этди.

Т. АҲМАДЛИЕВ,  
ЎЗА МУҲБИРИ.

## Сўнгги хабарлар

### «Бехўул»га банк кўмағи

Бухоро туманида яшовчи хусусий тадбиркор Зиёдулла Раҳмонов хайрли ишга қўл урди — «Бехўул» хусусий корхонасини очди. Асосан тираскли валлар ва уларнинг алмашинув қисмларини тайёрлаш билан шуғулланадиган корхона учун тадбиркор Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Бухоро бўлимидан 8 миллион сўм кредит олди. Ушбу кредитга Украинадан тираскли валларни тикловчи дастахотиб олинди. Ҳозир корхонада ойната автомобилларнинг 60 дон тираскли валлари тайёрдан чиқариляпти. Яқинда бу ерда қишлоқ ҳўжалик машиналарининг тираскли валларини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

### Америка Ва Ўрта Осиёга оид тадқиқотлар

Республика Миллий матбуот марказида Ўзбекистондаги АҚШ элчихонасининг Ахборот, маданият ва таълим бўлими ҳамда «Ўзбекистон Фулбрайт Ассоциацияси» нодавлат-ношароит таълимий ҳамкорлигида «Америка ва Ўрта Осиёга оид тадқиқотлар» мавзуда семинар ўтказилди. Анжуманда сўзга чиққанлар ўзларининг Ўзбекистонда демократия тамойиллари ривожланишига оид фикр-мулоҳазалари ва Ўрта Осиёдаги минтақавий сийсий ривожланиш масалалари ҳақида гапирдилар. Шунингдек, тадбирда АҚШ ҳўкумати ҳўмилийида Америкадаги билим юртлари, бизнес ва нодавлат таълимкорларда илмий алмашинув дастури орқали иштирок этиб қайтган Ўзбекистонликлар у ерда олган билим — қўққималари ва таасуротлари билан ҳам ўртоқлашдилар. «Туркистон-пресс».

### Навбат — «Бухан-Морей»га

Эдликқалъа туманининг Уйқалъа овулида табиий газ ёна бошланди. 7,5 километрге газ қувири «Муборак-Нукус» магистрал ҳавасига уланди. Бу билан туманда аҳолининг газ таъминоти 95 фоизга етди. Эндиги навбат «Бухан-Морей» овулига.

— Аҳолининг газ таъминоти ва ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ҳўкуматимиз қарорини қўққилгандаги бажарилган, — дейди туман ҳўкими ўринбосари И. Саъдуллаев. — Яқинда «Чуқурқоқ» мавзесида ичимлик сувини чўққуланттирувчи замонавий «ЭКОС» ускупаси ўрнатилди.

Я. КўЧҚОРОВ.

### Муסיқа асбоблари — Лондон галерейсида

Қўққилда дотор тутган ўзбек аёлнинг сурати Лондоннинг Хорнмен музейида очилган жаҳон муסיқа асбоблари кўргазмаси меҳмонларининг эътиборини торғатди, — дей хабар беради «Жаҳон» АА муҳбири. — Музейда олтин мингдан зиёд муסיқа асбоблари намойиш этилган. Мажвур экспонатлар ярим асрдан зиёд вақт давомида жамланган. Кўргазма меҳмонлари Миср шаққидоглино, Эроннинг Каманче скрипкаси ва бошқа ноёб чолгу асбобларини томоша қилиши ва уларнинг махусе компьютер ёрдамида ёзилган оҳанларини тинглашлари мумкин. Кўргазманинг ўзбек чолгу асбоблари бўлимида эса томошабилар чолгу асбобларимиздан ташқари миллий либосларимиз билан ҳам танишиш имкониятига эга. Кўргазмада намойиш этилган миллий чолгу асбобларимиз мажмуаси Хорнмен музейи ва Шотландия миллий музейининг юртимизда олиб борган этнографик дастури мевасидир.

## «COSCOM»НИНГ БАЙРАМ СОВФАСИ

Янги йил байрами арафасида «COSCOM» Ўзбекистон—Америка қўққма корхонасининг Навоий вилоят бўлими Хатирчи тумани маркази — Янгиробод шаҳрида уяли телефон алоқа хизмати йўлга қўйди. Эндликқалъа шаҳар аҳолиси дунёнинг исталган бурчаги билан боғлана олади. Ҳозирнинг ўзидаёқ миқозлар сонини 100 нафарга етди. Алоқачилар 2002 йилда дастлаб Навоий шаҳри саноатчиларига хизмат кўрсатишини бошлаган бўлса, кейинчалик Зарафшон, Чўққулқ, Зафаробод шаҳарлари ва Қарағата қўққони аҳолиси ҳам бундай имкониятдан фойдалана бошланди. «COSCOM»-чилар бир йил ичида вилоятнинг аҳоли эни жойлашган барча шаҳар ва туманларини уяли алоқа хизмати билан таъминлади.

Ёркул УМАР,  
ЎЗА МУҲБИРИ.

### Ажаб!

Едингида бўлса, газетамизнинг шу йилги 1 ноябрь сонинда «Лоқайлик шўққчилик бўладими?» сарлавхали мўжазгина мақола эълон қилинганди. Унда пойтахтимизнинг «Юнусовода» мавзесидаги 14-даха, 19-уйда яшовчи 72 хонадон аҳлининг салкам чорак аерлик дард-ҳасратлари ўз ифодасини топганди. Утган давр мобайнида бинонинг кириш йўлаклари, сув қуварлари, иситиш тармоқлари бирор марта ҳам таъмирланмаган; жорий йил сентябрида бошланган созилаш ишлари эса уйда-жўлда қолиб кетгани ачинини ила тилга олинганди. Шўққхасиз, мақола ўзбек тилида ёзилганди: Биз уни текшириш ва зарур чора-тадбирлар белгилан учун давлат тилида битилган йловна хатги орқали Тошкент шаҳар прокуратурасига жўнатгандик. Шу муносабат билан ушбу расмий жавобни олдик:

## ДОМЛАНИНГ АЙТГАНИНИ ҚИЛ, ҚИЛГАНИНИ ҚИЛАМА

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
П Р О К У Р А Т У Р А С И  
Т О Ш К Е Н Т Ш А Х А Р  
П Р О К У Р А Т У Р А С И  
700115, Чилчор кўчаси-6  
Тел: 77-64-68  
Факс: 77-64-68  
Т.Н. - 82  
На № 116 от 04.11.2002 г.

Редакция газети «Халқ сўзи»

Сохиёва, что опубликованная в газете статья под названием «Лоқайлик шўққчилик бўладими?» проверена прокуратурой Юнусовского района совместно с представителями районной коммунальной службы. Установлено, что отопительная система дома № 19, расположенного на массиве «Юнусовод», квартал 14, работает, подвалыные помещения в связи с отсутствием средств текущего ремонта дома были временно приостановлены, однако коммунальные службы обязаны были своевременно ликвидировать все необходимые работы. Ответ зачитаным дан.

Первый заместитель прокурора г.Ташкента  
старший советник юстиции  
М.А. Мирзаев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ  
Р.О.Олимовни Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавкулда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида  
Равшанбек Оздобекович Олимов Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавкулда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. КАРИМОВ  
Тошкент шохри,  
2002 йил 24 декабрь.

## СЕУЛ-БУХОРО: УНИВЕРСИТЕТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Жанубий Корея пойтахтидаги 128 минг нафар талаба таълим олаётган Кон Кук университети жаҳоннинг энг йирик олий ўқув юртиридан саналади. Мажвур билим даргоҳи ва Бухоро давлат университети ўзаро ҳамкорлик битимини имзолади.

Хар икки университет ректорлари имзолаган ушбу ҳўжатга асосан ўқув юртирининг профессор-ўқитувчилари ўзаро тажриба алмашади, бир-бирлари га зарур бўлган илмий-педагогик ахборотлар, адабиёт ва дарсликлар етказиб беради. Бу ҳамкорлик бир ярим йил муқаддам Бухоро давлат университети қошида ташкил этилган корейс тили худудий маркази фаолиятини янада яхшилаш, уни дарслик ва услубий қўққанмалар билан таъминлашга ҳам хизмат қилади. Ҳозир ушбу марказда 200 га яқин йилит-қиз корейс тилини ўрганимоқда. Эндликқалъа марказ Кон Кук университети профессор-ўқитувчилари ёрдамида таълим мазмундорлигини янада ошириш чора-тадбирларини кўради, ўқувчиларга тегишли сертификатлар беради.

Илком САФАР,  
ЎЗА МУҲБИРИ.

## Сессия акс-садоси

## Бюджетда тақдиримиз мужассам

Мамлакат парламентининг ўнинчи сессияси 2002 йил Давлат бюджет тўғрисидаги масала билан очилгандаги газет-хонларимизнинг ёнида кўра-кўра, Ҳўш, яқинлашиб келётган йилда Давлат бюджетни халқимизга нималарни ваъда қилади? Сессия кунлари «Халқ сўзи»да 2002 йилги бюджет ижроси бўйича айрим прогнозлар ҳақида ёзилганди. Босиб ўтилган йўлга баҳо бергандан кейин истиқбол режалари ҳақида сўз юритсак, ўринли бўлур эди. Негаки, Давлат бюджетини унинг ижроси мақсадли иқтисодиётнинг тақдирини хал қилади. Президентимиз бундан бир ярим йил муқаддам Олий Мажлис сессияси минбаридан туриб, Давлат бюджет ҳақида сўз юритганларида «уни яхши ҳолда бажариш — бу ҳўёт-мамлатимиз билан боғлиқ» деган эдилар. Келинг, Юртнобимизнинг Ушбу нутқидаги фикрларини ёлга олайлик: «Агар бюджет яхши, тўлиқ ёки ошириб бажарилса, олдимизда турган масалаларни ечишга қўққимчи имкониятлар пайдо бўлади. Чўққи бюджет — бу маблағ дегани. Маблағ бўлса, ҳамма нарса бўлади. Агар маблағ кўрсаткичлари тўлиқ бажарилмаса, бюджет

йўналишлари бўйича нуво-фиксик келиб чиқади. Масалага шу нуқта назардан ёндашадиган бўлсак, янги йил учун кўзда тутилган Давлат бюджетни масаланинг барча жиҳатларини ҳисобга олиб тузилганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Ушбу ҳўжат ўз олдида бир қатор устувор вазифаларни қўққган. Улар 2002 йилда иқтисодиётнинг барқарор ва жадал ривожланишини таъминлаш, қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш, молия, солиқ ва бошқона идораларни олдида солиқлар ва тўловларнинг тўлиқча йитилшини таъминлашнинг аниқ йўналишлари ва механизмларини белгилаш, ҳўжалик субъектларининг бюджет олдидаги боқиманди қарзлари ҳажминин кескин камайтириш, солиқ тўлаш интизомини мустаҳкамлашдир. Бундай мақсадларга эришиш учун, энг аввало, бюджет бандларини шакллантиришда мамлакат Президентининг эскича қарашлардан тезроқ халос бўлиш, солиқ ставкаларини пайсайтириш борини асосида ҳўжалик субъектларининг солиқ юкунин камайтириш борасидаги қўққимчи йовларига амаи қилиш тақозо этилади. (Давоми 2-бетда).

## Имкониятлар нега ишга солинмаяпти?

Халқ депутатлари Фаргона вилояти Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳўкими А.Оттабонининг 2002 йилда вилоятнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланиши йили дастурига белгиланган тадбирларни бажариш юзасидан ҳисоботи тингланди ва муҳокима қилинди. Сессияда таъкидланганидек, вилоятда истиқбол режаларини бажариш юзасидан белгиланган тадбирларнинг амалга оширилишини ўз самарасини бермоқда. Аиникса, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги кўрсаткичлар эътиборга лойиқ. Жорий йилнинг 11 ойида маҳсулот ишлаб чиқариши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 45 миллиард сўмга ёки 11,6 фоизга кўпайган. Биргина саноат корхоналарини реконструкция қилиш, янги тех-

нологиялар билан таъминлашга 86 миллион долларлик чет эл сармоялари жалб қилинди. Шунингдек, сессияда «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Қаври» ҳиссадорлик жамиятига ижобий ўзгаришлар алоҳида тилга олинди. Биргина алоҳида таъкидланган тадбирларнинг амалга оширилишини тўғридан 10 миллион доллар қалтисга еттириб қўққилди. Фақат шу йилнинг ўзида мажвур дастур бўйича 57 та корхонада 72 та лойиҳа жорий этилди, 1250 та янги иш ўринлари яратилди. Ютуқлар билан бир қаторда ечимини кўтаётган муаммолар ҳам талайгина. Жўққилдан, вилоятдаги 16 та саноат корхонаси маҳсулот ишлаб чиқаришини аввали йилга нисбатан 3 миллиард сўмга, 11 та корхона эса халқ истеъмолни моллари тайёрлашни 2 милли-

ард сўмга пайсайтириб юборган. Вилоятда саноат корхоналарининг экспорт имкониятларининг фойдаланишда ҳам камчиликларга йўл қўққилмоқда. Маълум бўлишича, илмий-таълим маҳсулот экспорти қилиш 9 миллион долларга ёки 7,6 фоизга камайиб кетган. Фаргона шаҳрида 36 талдан 16 та, Қўққон шаҳрида 13 талдан 6 та, Марғилонда 5 талдан 2 та қўққма корхоналар фаолият кўрсаталяпти. Фурақат, Сўх туманларида эса ҳануз бирорта ҳам қўққма корхона ташкил этилмаган. Сессияда Қариларини қар-лаш йили муносабати билан белгиланган тадбирларнинг бажарилишини ҳаққилда ахборот ҳам тингланди. Ва кун тартибиданги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. **Набижон СОБИР,** «Халқ сўзи» муҳбири.




XXI аср таълими: изланиш ва самара

Мустақиллик давлатимизнинг иқтисодий юксалишида, дунё ҳамжамиятида сиёсий макенини эгаллашда очик ва ташқи ҳамкорлик асосида ривожланиш йўлини белгилаб берди.

Эртанги кунга ишонч қудратли

Мустақиллик йиллари Тошкент Темир йўл транспорт муҳандислари институти 4706 инжнер, 1162 бакалавр ва 144 магистр унвонли малакали мутахассислар тайёрлаб берди.

Янги имкониятлар, янги шарт-шароитлар яратилиши билан институт фаолиятида ҳал этилиши керак бўлган масалалар, муаммолар ҳам юзга келди.



Институтида бевосита амалиёт билан ҳам таълим олиш шартлиги таълимнинг муваффақиятини таъминлайди.



“Халқ сўзи” газетасининг шу йил 8 ноябрь сонида академик Бахтиёр Эшқуватовнинг “Бизга самарали технологиялар керак” сарлавхали мақоласини ўқитган, менда баъзи мулоҳазалар туғилдики, уларни газетонлар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдим.

Мустақилликнинг илк тўғриси Тошкент Темир йўл транспорт муҳандислари институтининг фаолиятида ҳал этилиши керак бўлган масалалар, муаммолар ҳам юзга келди.

Ажабланмай иложингиз йўқ

Қўллаш меъёрига қатъий риоя қилган ҳолда маҳсулдорликни ошириш мақсулотида сифати ҳам, инсон саломатлигига ҳам зарарасиздир.

Инсоният узоқ йиллар давомида тирик мавжудотларда, хусусан, ўсимликларда ҳам моддалар алмашиниш жараёнини ҳақиқати билан миқдорини исботлаб берди.

Ўзгача фикр

Ҳам хоҳлаган даражада ўзгариши мумкин, деб эътироф этса, ажабланмасдан иложингиз йўқ-да, ахир.

Кенгайтирилган йўғилиш

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Касаба уюшмалари Кенгашининг кенгайтирилган йўғилиши бўлиб ўтди.

Янги Конституция лойиҳаси

Чеченистонда янги Конституция лойиҳаси ва «Чеченистон Республикаси Президентини сайлаш тўғрисида» ҳамда «Чеченистон Республикаси парламентига сайловлар ўтказиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари чоп этилди.

Мутахассисларнинг фикрича...

Шимолий кутубдаги «муз қалпоғи» 80 йилдан сўнг эриб кетди. Буюк Британия метеорология бошқармаси мутахассислари ана шундай ҳулосага келишган.

Кўпорувчилик

Колумбияда террорчилар Американинг «Occidental Petroleum» компанияси ҳодимларини олиб кетаётган автобусни портлатиб юборган.

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

Шартнома бажариладими?



Янги Конституция лойиҳаси

Чеченистонда янги Конституция лойиҳаси ва «Чеченистон Республикаси Президентини сайлаш тўғрисида» ҳамда «Чеченистон Республикаси парламентига сайловлар ўтказиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари чоп этилди.

Мутахассисларнинг фикрича...

Шимолий кутубдаги «муз қалпоғи» 80 йилдан сўнг эриб кетди. Буюк Британия метеорология бошқармаси мутахассислари ана шундай ҳулосага келишган.

Кўпорувчилик

Колумбияда террорчилар Американинг «Occidental Petroleum» компанияси ҳодимларини олиб кетаётган автобусни портлатиб юборган.

Advertisement for 'NAMANGAN VILOYATI FILIALI' (Namangan Region Branch) with details on recruitment and services.

Advertisement for 'KASHKADAR VILOYATI FILIALI' (Kashkadarya Region Branch) with details on recruitment and services.

VACANCY ANNOUNCEMENT/145/2002 advertisement for a Fellowship Coordinator position.



Авиаҳалокат

44 нафар йўловчиси (улардан 6 нафари экипаж аъзолари) бўлган Украинага қарашли Ан-140 самолёти Эронда ҳалокатга учради.

Қорми... Бўёқми?

Гамбия давлатидан Германияга келган сайёҳ қизик ҳолатга тушди. Қорли об-ҳавога ўрганмаган африкалик жаноб эртаб туриб деразадан паства қараса унинг автотомобили оқ рангга «буялган» эмиш.

Фаройиб «қобилият»

Ҳиндистоннинг Ассам штатида яшовчи 24 ёшли фуқаро ажайиб қобилиятга эга. У бир неча соат мобайнида кўзи пирирамасдан кўшига тикилиб туриши мумкин.

Муносабат

Бугун ўзгаришлар даври. Ҳар бир жабҳада янгиликка интилиш кўзга ташланмоқда. Хусусан, маданият-маърифат борасида ҳам. Юртобшимизнинг бошқа соҳалар қатори маданият вакиллари учун яратиб берган, бераётган шароитларини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Қисқа фурсат ичида собиқ Ҳамза театрининг тўлиқ таъмирланиб, унга Ўзбекистон Миллий театри мақоми берилиши, Марказий Осиёда ягона консерватория биноси бунёд этилганлиги...

нинг ўзидек фикримизни исботлайди. Бундай бинолар имкониятларни кўз-кўз этиш учун эмас, балки соҳа ходимларининг янада масъулият ҳис қилиб, одамларга давримиз қаҳрамонларини, бугуннинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб беришлари, тарбиявий ишга муносиб ҳисса қўишлари учун қилинган. Ҳўш, кўзланган мақсад амалга оширил-яптими? Келинг, бу саволга жавобни пойтахт театр ва кино уйларида изласак.

# Санъат эзгуликни улуғласин

ёки ҳозирги театр ва кино санъати ҳақида баъзи мулоҳазалар

Маълумки, театр азалдан маърифат, таълим-тарбия даргоҳи саналган. Қадимда ҳам уч-тўрт киши саҳнадаги ҳаракатлари билан одамларни тўғри йўлга даъват этишган. Унинг мазолида «Катта ёшдаги кишилар мактаби» деб ном олган ҳам бежиз эмас. Бир сўз билан айтганда, театрда кишилар онгига тез таъсир кўрсатиш имконияти катта. Аммо бугун театрларимиз саҳнасини забт этаётган айрим спектакллар кишига маззадан ташвишдан қўриқиб, унинг асабига тегади, ором эмас, нарчоч беради. Мисол келтирадиган бўлсак, нуфузли даргоҳ — Ўзбекистон Миллий академик драма театри саҳнасини кўп йиллардан бун «Чимилдик» спектакли банд этиб келмоқда. Тўғрироқ, ушбу томоша бошқа спектаклларга қараганда кўпроқ қўйилади. Чимилдик — муқаддас тўша. Унга пок нижлатилса қалам қўйилмайди. Ундаги гал-сўзларини, ҳолатларини кўчга олиб чиқиш шарт эмас. Лекин, «таъқидлан-

ган нарса ширин бўлади» деганларидек, спектаклда ушбу жараён шунчалик «усталик» билан очиб берилганки, кўриб бектирер уялиб кетасиз. Мазкур спектакль ҳақида таниқли ижодкорлардан бири гапирга туриб, бизда чимилдик ҳақида кенг тушуنча йўқлиги бонс кўпда оқиллар ажралиб кетётганини айтиди. Спектакль эса бу ҳолатнинг олдини олишга қаратилган экан. Яхши фикр. Лекин томошабин чимилдик тўғрисида тушунча олай деб эмас, ундаги «интим ҳолат»ларни кўриш учун театр-га бораётгани сир эмас-ку... Бунга театр раҳбарияти жуда ҳам яхши билади...

Яқинда бир танишим ушбу театрда қўйилган «Эргиннинг орузи» спектаклини мақтаб ҳўлди. Эргиннинг орузи қанча экан, негаки, Жамшид Зокиров эриб саҳнада шимшириб (эриб) лунги билан бемалол юриши, Гаҳар Зокирова (хотин)нинг тиззадан ҳам юқори кийиниши, буюм кам-лиқ қилиб «бир кўр, бир ўл» деганларидек, беъҳўш рақсга тушишларини зинҳор-базинҳор «санъат» деб бўлмайди. Балки, бу намойишлар кимларгадир мароқди туюлар,

аммо... эсиз ўзбекна шарм-ҳаё. Муқимий номидаги мусиқали ва драма театр саҳнасида ҳам кейинги пайларда «Суперкайнона», «Кўёлар кон-курси» каби спектаклларга кенг жой акратилган. Уларда ҳам даяри оқиллар можа-ролар. Театр биносидангиз зал-ворли спектакллар («Тақдир», «Қудуқ тубидаги фарёд», «Улдинг, азиз бўлдинг», «Ал-помининг қайтиши» ва бош-қалар) эса кам қўйилади. Ёш томошабинлар театри-да эса болжолар учун «Боз Масҳарабоз» шаклидаги спек-таклларни қўйишади. Яхши асар, лекин ҳар кунин уч маҳал атала ичмайис-ку... Агар бун-да ибратомуз кўринишларга кўпроқ эътибор қаратилса, бо-далар бу ерга мажбуран эмас, балки ўз оёқлари билан кели-шири. Базин спектакллар бор-ки, улардан кўра бола учун минг карра «Том ва Жерри» афзал.

Театрларимизга ўқачишган-дай пойтахтимизнинг асосий кино саройи бўлиши «Панорама»нинг ҳам фильмлар сифа-ти жиҳатидан «қосаси оқар-маяпти». Базин режисёрлари-

миз бир йилда икки-учта фильм яратишгапти. Аммо уларнинг кўпини кузата туриб бемаза қовун ҳақидаги нақд ёлға тушади. Телевидение ор-қали ваҳима билан реклама қилинадиган бундай кинолар-ни томошабин бир марта, нари борса икки марта кўради. Чун-ки, уларда «чўғ» йўқ. Хусусан «Пари момо» фильми мавҳу-мот асосида яратилган. «Аёл-нинг бир макрини кўриб кас-кадёр актёр бизда ҳам бор эканлигини ҳис қилиш мум-кин, холос.

Аслида, ҳар бир кино маълум бир гоя асосида лунға ке-лади. Уни кўрган одам таъсир-ланмаса, қўнғида эзгулик ту-ғилмаса нима керак? Усон Азимнинг «Севги» деб номланган ҳўқоиси ва шу асосда яратилган кино ҳам ни-ҳоятда таъсирли. Ватанга бўлган муҳаббат гоясини ана шундай илғари суриш керак. Худди шу ижодкорнинг «Ал-помининг қайтиши» ва бош-қалар) эса кам қўйилади.

Хуллас, айтсам тилим, айт-масам дилим... деганларидек, бундай фикрларни билдириш-дан мақсад, уйдирмачилик билан ҳаёт бошқа-бошқа нарса эканлигини таъкидлашдир. Бугунги кун бизга келажакни олдиндан кўриш, жамиятни қайта яратиб гоясини ва уни ҳаётга таъбиқ этиш имкония-тини бермоқда. Шундай экан, ижтимоий вазифаси юксак ва масъулияти бўлган театр ва кинони беҳуда, қурўқ лавҳа-ларини акс эттирувчи хашаки лавҳаларга айлантириб юбор-маслик керак.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

## Корхона ва ташкилотлар диққатига! Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш бўйича республика бошқармасининг НАВОЙИ ВИЛОЯТИ МАРКАЗИ

- пудрат савдоси (тендер)ни эълон қилади:**
- 1-Лот: Навоий тумани, Ибн Сино номи ширкат ҳўжалигида скважина қурилиши. Қурилишни тугаллаш муддати — 4 ой.
  - 2-Лот: Навоий тумани, «Нарпай» ширкат ҳўжалигида Бўстон кўрғонини газлаштириш. Қурилишни тугаллаш муддати — 10 ой.
  - 3-Лот: Навоий тумани, «Хазара» ширкат ҳўжалигида ичимлик суви тармоқлари. Қурилишни тугаллаш муддати — 10 ой.
  - 4-Лот: Кармана туманининг «Баҳор» массивида муҳандислик қурилиш иншоотлари. Қурилишни тугаллаш муддати — 12 ой.
  - 5-Лот: Навоий тумани, К Раҳимов номи ширкат ҳўжалигида Ҳўжа-Хайрон қишлоғида газ қувури қурилиши. Қурилишни тугаллаш муддати — 6 ой.
  - 6-Лот: Навоий тумани, К Раҳимов номи ширкат ҳўжалигида ичимлик суви тармоқлари ва йўл қурилиши. Қурилишни тугаллаш муддати — 8 ой.
  - 7-Лот: Хатирчи тумани, Ибн Сино номи ширкат ҳўжалигида Бўстон кўрғонини газлаштириш. Қурилишни тугаллаш муддати — 6 ой.

**Буюртма:** Навоий шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 4-ўйда жойлашган Навоий виллояти ҳўқимлигининг уй-жой қурилиш бошқармаси.

Қурилиш ишлари давлат бюджети ҳисобидан олиб борилади. Талабгор сифатида катнашаётган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий маблағ ва бошқа моддий имкониятларга, ўзаро ишончга, тажриба ва қўнимага, шунингдек етарли ишчи кучи заҳираларига, шартнома (контракт) тузиш учун фуқаролик ҳўқуқларига ҳамда қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳўжатларига эга бўлиш учун сўрвонма билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармасининг Навоий виллояти марказига қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Навоий шаҳри, С.Айнинг кўчаси, 32-уй.**

Бир тўплам тендер ҳўжатларининг нархи — 20 000 сўм.

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соати.**

**Таклифлар (оферталар) очилиш матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади:**

**Навоий шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 4-уй, соат 15.00да Навоий виллояти ҳўқимлигининг уй-жой қурилиш бошқармаси биноси.**

## Инсоният тараққийти муаммоларини ёритишга бағишланган энг яхши ҳўжатли фильм сценарийси учун танловга ТАКЛИФНОМА

Ўзбекистон Республикаси ҳўкумати ва БМТДнинг «Тараққийтга ҳамкорлик кўрсатиш дастури» инсон тараққийти муаммоларига бағишланган энг яхши ҳўжатли фильм сценарийси учун республика танловини эълон қилади.

Бу сценарий жинслар тенглиги, гиёҳвандлик, оналик ва болалик муаммолари, ёшлар муаммолари ва бошқа энг долзарб ва ҳаётий масалаларни кўтариб чиқиши керак. Муаллиф олдида қўйган вазифаларга ўзига ҳослик билан ечим топиши лозим. Лавҳа кенг оммага йўналтирилган, ундаги шахслар маҳаллий аҳолидан ташкил топган бўлиши керак.

**Танловда барча хоҳловчилар иштирок этишлари мумкин.**

**Илова қилинадиган ҳўжатлар рўйҳати:**

1. Номзоднинг батафсил таржimai ҳоли.
2. Иш жойидан маълумотнома.
3. Тасдиқланган иккита тавсиянома.

Тўғиз буммаган аривалар эътиборга олинмайди.

Сценарий ва ҳўжатлар 2002 йил 10 январга қадар қабул қилинади. Манзилмиз: Тошкент ш., Тарас Шевченко к., 4-уй, БМТ ваколатхонаси. Барча саволлар бўйича қўйидаги телефонларга мурожаат қилинг: 169-05-31 (32).

## Корея Республикасида касб-ҳўнарга ўрганиш ва меҳнат қилиш учун бориш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диққатига! ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентлиги Корея Республикасида касб-ҳўнарга ўрганиш ва меҳнат қилиш учун бориш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қўйидаги йўналишлар бўйича танлов эълон қилади:

- I. Корея кичик ва ўрта бизнес федерацияси квотаси бўйича танлов талаблари ва шартлари:**
1. Номзодларнинг бўйи: эркаклар — 160-190 см; аёллар — 150-185 см.
  2. Номзодларнинг кўрши даражаси: 0,7 даража ва ундан юқори бўлиши (дальтоник бўлмастик) керак.
  3. Номзодларнинг ёши: 25дан 35гача.
  4. Номзодларнинг маълумоти: тўлиқсиз ўрта, ўрта, ўрта-максус.
  5. Номзодлар бутунлай соғом бўлишлари керак.
  6. Номзодлар судланмаган бўлишлари шарт.
  7. Номзодлар Корея Республикасининг «Иммиграция назорати тўғрисида»ги Қонуни талабларига мос келишлари керак (Номзод савҳат ёки бошқа мақсадларда Корея Республикасига боргани ҳолда мазкур Қонун талабларини бузмаган бўлиши шарт).
  8. Корея тилини билиши мажбурий (Номзодларни корейс тилига ўқитиш ташкил қилинади).
  9. Номзодлар аввал касб-ҳўнар ўрганиш ва ишлаш мақсадида Корея Республикасига бормаган бўлишлари керак.

- II. Корея Республикаси Қурилиш ва сув ҳўжалиги вазирлиги квотаси бўйича танлов талаблари ва шартлари:**
1. Номзодларнинг касб-қори: дуррадор сувоқчи-бўёқчи, пайвандчи, гишт терувчи, бетон қуювчи (Ушбу мутахассисликлар бўйича 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш керак).
  2. Номзодларнинг бўйи: эркаклар — 160-190 см; аёллар — 150-185 см.
  3. Номзодларнинг кўрши даражаси: 0,7 даража ва ундан юқори бўлиши (дальтоник бўлмастик) керак.
  4. Номзодларнинг ёши: 25дан 40гача.
  5. Номзодларнинг маълумоти: тўлиқсиз ўрта, ўрта, ўрта-максус.
  6. Номзодлар бутунлай соғом бўлишлари керак.
  7. Номзодлар судланмаган бўлишлари шарт.
  8. Номзодлар Корея Республикасининг «Иммиграция назорати тўғрисида»ги Қонуни талабларига мос келишлари керак (Номзод савҳат ёки бошқа мақсадларда Корея Республикасига боргани ҳолда мазкур Қонун талабларини бузмаган бўлиши шарт).
  9. Корея тилини билиши мажбурий (Номзодларни корейс тилига ўқитиш ташкил қилинади).
  10. «КЕДО» йўналиши бўйича шартнома (контракт) шартларини муваффақият билан тугатиб, мамлакатимизга қайтиб келган шахслар танловдан имтиёзли равишда ўтадилар.

- III. Корея Республикаси Қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги вазирлиги квотаси бўйича танлов талаблари ва шартлари:**
1. Номзодларнинг касб-қори: чорвадор, паррандачи, ўсимликчўсон (Ушбу мутахассисликлар бўйича 3 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш керак).
  2. Номзодларнинг бўйи: эркаклар — 160-190 см; аёллар — 150-185 см.
  3. Номзодларнинг кўрши даражаси: 0,7 даража ва ундан юқори бўлиши (дальтоник бўлмастик) керак.
  4. Номзодларнинг ёши: 25дан 40гача.
  5. Номзодларнинг маълумоти: тўлиқсиз ўрта, ўрта, ўрта-максус.
  6. Номзодлар бутунлай соғом бўлишлари керак.
  7. Номзодлар судланмаган бўлишлари шарт.
  8. Номзодлар Корея Республикасининг «Иммиграция назорати тўғрисида»ги Қонуни талабларига мос келишлари керак (Номзод савҳат ёки бошқа мақсадларда Корея Республикасига боргани ҳолда мазкур Қонун талабларини бузмаган бўлиши шарт).
  9. Корея тилини билиши мажбурий (Номзодларни корейс тилига ўқитиш ташкил қилинади).

Барча йўналишлар бўйича умумий шартлар:

1. Асосий иш ҳақи — 450-650 АКШ доллари.
2. Яшаш шароити — иш берувчи томонидан бепул таъминланади.
3. Овқатланиш — иш берувчи томонидан кўнига 3 марта бепул таъминланади.
4. Шартнома муддати — 1 йилдан 3 йилгача.
5. Тиббий сугурта — 50% - иш берувчи ва 50% - ишчи ҳисобидан.
6. Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисадан сугурта кафолатланади.
7. Ижтимоий сугурта кафолатланади.
8. Қўнича иш соати учун 150% миқдорда иш ҳақи тўланади.

Танлов Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тузилган махсус ишчи гуруҳлари томонидан амалга оширилади ва танлов олинган номзодлар рўйҳати Корея Республикасига юборилади. Корея Республикасида компьютер ёрдамида қуръа ташлаш йўли (лотерей усули) билан танлов олинади.

Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган фуқароларни Қоракалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, виллоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентлигининг Қоракалпоғистон Республикаси, виллоятлар ва Тошкент шаҳридаги вакиллари мурожаат қилишларини сўраймиз.

**Фуқаролар диққатига:** Номзодларни охириги марта танилаш Корея Республикасининг ваколатли органлари томонидан махсус компьютер дастури бўйича қуръа ташлаш йўли билан амалга оширилади. Номзодларни қуръа ташлаш орқали охириги мартаба танила олиш жараёни ва натижасига Агентлик ёки Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатдор ташкилотлари таъсир кўрсатиш имконига эга эмаслар.

**ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!**

Маълумот учун телефонлар: 152-33-79, 152-62-07.

## «Вишневецкий» Ва марихуана

«Тошкент — Москва» йўналиши-даги 5-сонли поездининг 5-вагони 31-жойига чипта олган йўловчи Муҳаббат Раҳимова 2001 йил 6 сентябрь кўни поезда чиқди. Ана шу чоғда у божхона ходимлари томонидан гиёҳвандлик воситаларини сақлаш ва танишда гумонланган ушланади.

Ушбу жиноят иши юзасидан олиб борилган дастлабки тергов ҳамда суд мажлиси даврида аниқланишча, фуқаро М.Раҳимова Самарқанд виллояти Тойлоқ туманида яшовчи тоғасининг уйига яқин бекатда йўл четида мариху-ананинг ёввойи ҳолда ўсиб турганига қўзи тушади. Унинг баргли ва уруғли қисмларини қўлиб олиб, «Вишневецкий» мази идишига солади. Сўнгра уни че-момдани ичига яширади ва ҳўю-хўйт дея Москва шаҳрига равона бўлади.

Афсуски, бузоқ сомонхонагача ҳам боролмади. Божхоначилар қўзини шамгалат қилиб, 4,8 грамм гиёҳванд-лик моддасини контрабанда йўли би-

**«ЎЗБЕКСАВДО» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИНING**

**«XUMSON-BULOQ»**

**СОҒЛОМЛАШТИРИШ ДАМ ОЛИШ ОРОМҒОҲИ**

**Сизларни қишки дам олиш мавсумида мафтункор тоғлар масканига ДАМ ОЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

Денгиз сатҳидан қарий миң метр баландликдаги Угам Чотқол тоғ бағрида жойлашган оромгоҳнинг хизмат кўрсатиш шароитлари дам олувчи, саёбатчи, тадбиркорларнинг ўта нозик дидини тўла-тўқис қондиради. Соғломлаштириш дам олиш маскани хизматидан бир йўла 120 тагача киши фойдаланиши мумкин. Бу ерда ишбилармонлар учрашувлари, турли мавзуларда семинарлар, шунингдек, турли байрам тадбирлари ва маросимларни ўтказиш учун барча шароитлар мавжуд.

Азиз дўстлар!  
Биз Сизларни кутамиз!

(99871)  
139-11-65

Ўзбекистон Республикаси Мо-дня вазирлиги ҳайат аъзolari ва жамоаси Тошкент шаҳри Сир-ғали тумани ҳўқимияти молия бўлими мудири

Икром ТУРАҚУЛОВнинг бепул вафот этганини муноса-бати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазир-лик Маҳкамаси ҳўзурдаги Тошкент Ислам университети жамоаси уни-верситет Информатика ва табиий фанлар кафедраси мудири, физика-математика фанлари номзоди Азиз Мавлонова волидан муҳтарамаси

Шаҳодат ая МАВЛОНОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъ-зия изҳор этади.

«Саноатқурилиш индустрия» акционерлик жамияти жамоаси жамият باشқаруви раиси Аҳор Саидова отаси

Патвуд САИДОВнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик ва таъ-зия изҳор қилади.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий универ-ситети жамоаси иқтисодият факультетининг доценти, иқтисод фанлари номзоди Амар ОЛИМЖОНОВнинг вафоти муносабати билан мар-ҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия из-ҳор этади.

**«ХАЛҚ СЎЗИ» НАРОДНОЕ СЛОВО**

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:** Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир хайъати:** Э. Болев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, М. Мираллимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Хўдоёев, И. Шогўломов, О. Қанибергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г-1172. 27016 нускада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган. Қўлиб бичим А-2. Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан сўхфаланди. Таҳририятда ҳажми 5 қондангиз нид материаллар қабул қилинмайди. П-Тижорат материал

**● МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева. Навбатчи — Б. Остонакулов. Муасхўх — И. Туреунова.

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5 6